# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

**«Ҳаётимизни айрим собиқ иттифоқдош республикалар — бугунги янги мустақил давлатлар ҳаёти билан қиёсласак, бизнинг халқимиз митингбозлик, дабдабабозликка берилмасдан тинч, қадамба-қадам яратувчилик фаолияти билан банд эканлини кўрамиз. Ишчи—дастгоҳ ёнида, деҳқон—далада, врач—шифохонада, муаллим — синфхонада, хуллас ҳар ким ўз жойида меҳнат қиляпти. Бу меҳнатнинг кўзга ташланиб турган қувончли натижалари беқиёсдир».**

## ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

**Сиддиқжон МУҲАММАДЖОНОВ — жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ноиби.**

— Маълумки, собиқ иттифоқдан ажралиб чиққан кўплаб давлатларда сиёсий тарафкашлик, қирғинбарот урушлар давом этиб келяпти. Шунинг учун ҳам у ерлардаги одамларда келажакка ишонч йўқолмоқда, ишлаб чиқариш ҳажмлари озайяпти. Иқтисодий инқироз тобора чуқурлашиб бормоқда. Бундан меҳнаткаш кўпроқ зарар кўряпти.

Ўзбекистонимизда эса ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий барқарорлик тобора мустаҳкамланиб боряпти. Халқни эртанги кунга ишончи кучли, шу боиз ишимиз унумли, даромадимиз сербарака бўлмоқда.

Жамоа хўжалигимиз меҳнат аҳли ўтган йилги табиат қийинчиликларига қарамай мардона меҳнат қилишди. Натижада 1660 тонна узум, 1342 тонна сабзавот тайёрланди. Чорвадорларимиз, айниқса, яхши ишладилар. 929 тонна сут соғиб олиниб, режа 104 фоиз адо этилди. 92 тонна ўрнига 114 тонна гўшт тайёрланди. Ҳар бир говмишдан соғиб олинган сут 3714 килограммни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, жамоамизнинг ҳар бир аъзоси тинч ижодий меҳнат билан банд. Улар бугун кечигидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш ниятидалар. Чунки ҳаммамизда ўз келажагимизга катта ишонч бор. Демак, яқин орада бугунги иқтисодий қийинчилик вазиятидан албатта чиқамиз. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китобининг устувор томони ҳам шундаки, у руҳимизни тиниқлаштириб, ойдин йўлга чиқиб олишимизда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиляпти. Ҳаммамизни аҳилликка, иноқликка, сабрбардошга чорлаяпти.



● Сиддиқжон МУҲАММАДЖОНОВ.



● Жамолиддин НУРИДДИНОВ.



● Петр ВИШНИКОВ.



● Акбар СУЛАЙМОНОВ.

**«Молиявий маблағлар чекланган бўлишига қарамай, бошланғич синфларнинг ўқувчилари учун бепул нонуштани сақлаб қолиш, мактаб ўқувчилари ва талабалар овқатланиши учун харажатларнинг ярмини қоплаш маъқул, деб топилди».**

## ЭРТАНИНГ ЭГАЛАРИ

**Жамолиддин НУРИДДИНОВ — 4-ўрта мактаб директори.**

— Иккинчи жаҳон уруши жуда кўп мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар етказди. Япония ҳам шулар қаторига киради. Ўшанда мамлакат раҳбарлари олдида жадал ривожланишни таъминлаш учун нима қилиш керак, деган савол туғилганда кўпчилик иккиланмай ёш авлод тарбиясига эътибор бериш кераклиги масаласини ўртага қўйганди.

Чунки ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол инсонларгина олдида турган мураккаб вазифаларни ҳал эта олади. Япония шу йўлдан бориб янглишмади. Ёш авлод учун сарфланган маблағ ўзини оқлади. Яхши билим олган ёшлар 10—15 йилдан сўнг мамлакатни ривожланишнинг ойдин йўлига олиб чиқдилар.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонимиз олдида ҳам қийин, лекин бемалол бажарса бўладиган муҳим вазифалар турибди. Бу вазифалар Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китобида аниқ равшан белгилаб берилган. Уларни ҳал этиш, албатта, бугунги ёшлар зиммасига тушади. Шу боис иложи борича уларнинг таълим-тарбияси, пухта билим олишлари диққат марказимизда бўлмоғи лозим.

Хўжалигимиз раҳбарияти бу муҳим масалага катта эътибор бериб келмоқда. Бизда мактаб ўқувчиларини текин овқат билан таъминлаш 1987 йилдаёқ йўлга қўйилганди. Мактабларимиз — замонавий. Жамоа аъзолари фарзандларининг пухта билим олишлари учун барча шароит бор. Кўргазмали қуроллар, техника воситалари етарли.

Ўқувчиларни билим олишга қизиқишини ошириш мақсадида 10—11 синф аълочилари учун махсус стипендия — ойига 50 сўмдан пул бериб борилмоқда. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши яхши. Район, вилоят, жумҳурият олимпиадаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашга эришмоқдалар.

Биз педагогика кенгаши ёрдамида бошланғич синф ўқитувчиларининг касб маҳорати даражасини аниқлаймиз. Энг малакали, деб топилган ўқитувчининг ойлик маошига хўжалик маъмурияти 500 сўм пул қўшиб беради.

Колхоз жамоаси ўз фарзандларининг келажаги ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётгани учун ҳам ёшлар малакали мутахассислар бўлиб қайтиб келишаяпти. Ўз билими, маҳоратларини хўжаликни юксалтиришга сарфлашаяпти.

**«Бизнинг олий мақсадимиз — мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.**

**Худога минг қатла шукрки, ўзбекларимизнинг бошқа халқларга муносабати ижобийдир. Юртимизда яшаётган бошқа халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчга айланган».**

## ТАЪЗИМ

**Петр ВИШНИКОВ — колхоз сут-товар фермаси таъмирчи устаси**

— Мен хотиним билан Тошкент вилоятига 1947 йилда кўчиб келганман. 38 йилдан бери мана шу жамоа хўжалигида ишлаяпман. Очиғини айтсам, Ўзбекистонга биттагина чамадондан иборат бисот билан келгандим. Ҳозир 12 сотих томорқа ерим бор. Еримнинг асосий қисми токзор. Молим, товуқларим бор. Рўзғор учун зарур бўлган мева, сабзавот, гўшт, сут ўзимиздан чиқиб турибди.

Биргина токзорнинг ўзидан йилига юз мингдан ортиқ даромад келади. Ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Тўқ, тинч яшаяпмиз.

Чунки, мен Ўзбекистонга келиб сира завол кўрмадим. Аксинча қийин пайтларда менга ҳамма кўмак берди. Ҳозир нимага эришган бўлсам, ўзбек биродарларим, қўни-қўшниларим туфайлидир.

Демоқчиманки, бағри кенг, меҳр-оқибатли ўзбек халқи ўзини ҳам, ўзгани ҳам ҳурматини ўрнига қўйишни билади. Мен ўзбеклардан бир умр миннатдорман.



● Нуриддин ПАРПИЕВ.



● Иброҳим НУРҲОЖИЕВ.



● Иззатилла УБАЙДУЛЛАЕВ.



● Малика ҚУРБОНОВА.

**«Иқтисодиётнинг деҳқончилик соҳасида ҳам бозор муносабатлари тобора авж олиб бормоқда. Фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантириш ва шахсий томорқа участкалари майдонларини кенгайтириш мақсадида жамоат секторидан салкам 700 минг гектар ер аҳолига топширилди».**

## ТОМОРҚА БАРАКАСИ

**Акбар СУЛАЙМОНОВ — колхоз бошқаруви раисининг умумий масалалар бўйича мовини**

— Хўжалигимизда ишловчиларнинг ҳаммасига ўн икки сотихдан томорқа ери беришга қарор қилинган. Томорқа бериш масаласини жумҳуриятимиз Президенти И. Каримовнинг махсус қароридан кейин яна бир карра муҳокама қилдик. Имкониятни қидириб, ерта муҳтожлар талабини иложи борича кўпроқ қондиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Фармон чиққандан буён ўтган давр мобайнида 250 та хўжалик аъзоларига унумдор ерлардан томорқа учун жой берилди. Мен баъзан бошқа вилоятларда бўлганимда у ерларда одамларга томорқа бериш қандайлиги билан қизиқиб кўрапман. Ишонасизми, баъзи жойда қоғозда деҳқонларга 25, 30 ҳатто 40 сотихлаб ер берилганлиги қайд қилинади-ю берилган жойларни бориб кўрсангиз унинг бўш етганини кўрасиз.

Сабаби томорқа учун яроқсиз, унумдорлиги паст ерлар ажратилади. Бунинг устига сув йўқ. Электр, газ, асфальт йўл ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади. Хўжалигимизда эса томорқа беришдан олдин ушбу жойнинг бош лойиҳаси тузиб чиқилади. Шунга асосан йўл ўтказиш, боғча, мактаб, савдо тармоқлари бошқа маиший хизмат масканларини барпо этиш масаласи ҳам ҳал этилади. Қарабсизки, томорқа олиб, уй қурган одам кўп вақт ўтмай ўша ерда бемалол яшаши, еридан баракали ҳосил олиши мумкин.

Колхозимиз узумчиликка ихтисослашиб боряпти. Боғларимиз ва томорқаларимизда етилган узумлар пойтахтликлар дастурхонини ёзу қиш тўкин қилмоқда. 10—12 сотих ердаги токзордан 150—200 минг сўмлаб даромад олаётган оилалар кўп.

Биз Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, кўп болали оилаларга биринчи навбатда жой берамиз. А. Раҳмонбердиев, С. Бердиева, З. Султонова каби серфарзанд оилалар 3—5 тадан томорқа ерига эгалари. Бунга жавобан улар тинч, фаровон яшаб, баракали меҳнат қилишяпти.




**«Давлатга қарашли бўлмаган сектор республика иқтисодиётида тобора сезиларли аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ҳосил қилинган миллий даромадда бу секторнинг улуши ҳозирдаёқ тўртдан бир ҳиссадан кўпроқни ташкил этмоқда».**

## СОҲИБЛИК ҲИССИ

**Нуриддин ПАРПИЕВ — балиқ хўжалиги ижарачиси**

— Жаҳондаги мамлакатлар тараққиётига назар ташлар эканмиз, хусусийлаштиришнинг барча учун бирдек қабул қилиш мумкин бўлган тайёр андозаси йўқлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат бу масалани ўз ички шароитидан келиб чиққан ҳолда ҳал этмоқда. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласида Президентимиз И. Каримов қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш йўлларидан бири хусусийлаштиришни аниқ шароитдан келиб чиққан ҳолда олиб бориш лозимлигини жуда тўғри кўрсатиб берган. Буни қуйидаги сўзлар яққол ифодалаб турибди.

«Биринчи навбатда бу — қишлоқдаги ислоҳотларни қизғин қўллаб-қувватлаш, давлат мулкчилигини жамоа мулкчилигига айлантириш, хўжалик юритишнинг кооператив шаклларини бутун чоралар билан ривожлантириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш, уларни зарур кредитлар, техника, минерал ўғит, ем-хашак, уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш демакдир».

Афсуски, пойтахт атрофидаги хўжаликларда имконият бўлишига қарамасдан балиқчилик ривожланмаган. Мен Дамариқ бўйида кўп йилдан бери бўш ётган ерни ижарага беришни колхоз правлениесидан сўрадим. Барча ҳисоб-китоблар билан мутахассислар танишиб чиққач, раҳбарлар рози бўлишди.

10 гектарлик учта ҳовуз бунёд этдик. Ҳозир уч гектарлик ҳовузда ўтган йили ташланган 20 мингта балиқ боқилмоқда. Март ойида етти гектардан иборат иккита ҳовузга ҳам балиқчалар ташлаймиз. Ҳар бирининг вазни кузгача 1,2—1,5 килограммга етади.

Ҳисоб-китобларга кўра, кетган харажатдан ташқари камида 10 миллион сўм фойда оламиз. Унинг 30 фоизи ўзимизга қолади. Балиқ боқиш билан 4 киши шуғулланмоқда. Одамларга эрк берилса улар юртга ҳам, ўзларига ҳам катта наф келтиришлари мумкин. Шукрки, шундай йўл бизга насиб этди.

**«Мавжуд сармоялар ҳам қишлоқ фойдасини кўзлаб сарфланиши лозим. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш биз учун асосий йўналишлардан биридир. Агар биз шундай қилмасак, истиқболимиздан маҳрум бўламиз».**

## БОҒНИ БОҚСАНГ БОЛ БЕРАДИ

**Иброҳим НУРҲОЖИЕВ— узумчилик бригадаси бошлиғи.**

— Хўжалигимиз соҳибкорлари — узумчиликнинг пирлари. Шу боис жамоа узумдан мўл ҳосил олишда жумҳуриятда етакчи ўринлардан бирида туради. Гектаридан 20—25 тоннадан узум етиштириляпти. Бу кўрсаткични янада ошириш мумкин. Ҳисоб-китобларга назар ташлайлик: масалан, бир гектар ерга минг туп ток экиш мумкин. Агар шуларнинг ҳар биридан 30 килограммдан ҳосил олганда ҳам гектар бошига 30 тонна узум узиб олса бўлади. Ваҳоланки, тупи 50—60 килограммгача ҳосил берадиган токлар ҳам бор.

Токзорларимизнинг имкониятидан ҳали етарли фойдалана олмаяпмиз. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, тупроқ унумдорлигини ошириш лозим. Агар токзорлар қаровини ўрнига қўйсак, ҳар гектар ердан бемалол 50—60 тонна узум олиб, майдонларни кенгайтирмаган ҳолда аҳоли дастурхонини янада тўкин қилишимиз мумкин.

Бу йўлда Президентимиз Ислом Каримовнинг китоби бизга дастуриламалдир. Бригадамиз аъзолари бир неча йилдан бери ўрта ҳисобда гектар бошига 30—31 тоннадан ҳосил олишмоқда. Лекин бу чегара эмас. Ҳосилдорликни ошириш йўлида муттасил изланяпмиз.

**«Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар биз республикада бор хом ашё ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, республикамизда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тахминан уч баробар кўпайтиришимиз мумкин».**

## ДАРОМАД МАНБАИ

**Иззатилла УБАЙДУЛЛАЕВ — колхоз бошқаруви раисининг қайта ишлаш корхоналари бўйича муовини**

— Хом ашё етиштириб сотгандан кўра уни қайта ишлаб сотиш катта даромад беради. Жамоа хўжалигимиз мисолида буни яққол кўриш мумкин. Бизда узумнинг хўраки навлари билан бирга винобоп ва шарбатбоп турлари ҳам кўп. Шуни назарда тутиб шарбат цехи қурганмиз. Ўтган йили бу ерда узумдан шарбат олиб, 17 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Шунинг 5 миллион сўми соф фойдадир.

Хўжаликда сутни қайта ишлаш цехи ҳам бор. У ерда фермада соғиб олинган сутнинг қарийб 50 фоизи қайта ишланиб сузма, сметана, қаймоқ, творог, пишлоқ, қатиқ ҳолида махсус дўконлар орқали сотилади. Цехимизда тайёрланган маҳсулот давлат корхоналаридагидан арзон тушмоқда. Шунинг учун маҳсулотларимиз ҳам арзон сотиляпти. Аҳоли эса уларни чаққон харид қилмоқда.

Ўтган йили аҳолига 5 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Шунинг 1 миллион сўми соф фойдадир. Ваҳоланки, сигирлардан соғиб олинган сутни давлатга топширишдан фақат зарар кўраяпмиз. Чунки 1 литр сутнинг харид нархи 15 сўм. Бир килограмм омихта ем эса 18 сўм туради. Бошқа емиш ва харажатларни қўшиб ҳисоблаганда бизга бир литр сут 30 сўмга тушмоқда. Президентимизнинг хўжаликлар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, кўпроқ фойда олишига имкон яратаётганидан ғоят хурсандмиз.

**«Яна бир ниҳоятда муҳим ишимиз — аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини ҳимоя қилиш. Бу масала асло пайсалга солиб бўлмайдиган энг асосий вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».**

## МАДАД ДАСТУРИ

**Малика ҚУРБОНОВА — колхоз бошқаруви раисининг маданий-маиший ишлар бўйича муовини**

Колхозимизда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида «Ғамхўрлик дастури» тузиб чиқилган. Унга кўра, 26 та нисбатан кам таъминланган оилалардаги ишловчиларнинг ойлигига махсус фонддан қўшимча пул қўшиб берилмоқда.

Хўжаликда узлуксиз 25 йил ишлаган эркаклар, 20 йил ишлаган аёлларнинг ойлигига 25 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Уларнинг сув, газ, электр қуввати учун тўлайдиган пулларининг 50 фоизини колхоз ўз зиммасига олган.

Колхозда ишлаётган йигит ёки қиз турмуш қурса уларга қўй ва 3 минг сўм пул тўёна қилинади. Иккита боғчада 300 нафардан зиёд кичкинтой тарбияланмоқда. Уларнинг ота-оналари боғча учун пул тўлашмайди.

**Ҳа, колхоз меҳнат аҳли кўпроқ самара олиш, юрт бойлигини кўпайтириш учун изланаяпти. Ирмоқлар қўшилиб дарё бўлади. Вақти соати келиб, Ўзбекистон давлати ростмана куч-қудрат касб этади, у буюк давлат тизимига эга бўлади.**

**Саҳифани «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири Каримжон РИХСИЕВ тайёрлаган.**



# УЙҒОНИШ

Март кўклам муқаддимаси. У анча серёғин. Эрталаблари кўкда булутлар сузиб юради. Туш пайтга келиб қуёш юз кўрсатади. Ҳаво гоҳ исийди, гоҳ совиб кетади. Дов-дарахтлар жонланиб, кўкатлар ниш ура бошлайди. Офтоб кўпроқ тушадиган пана жойларда сирен гулга киради. Ғужум-ғужум сиёҳранг гуллар ажиб ҳид таратади.

Толлар ҳам нозик навдаларига тилларанг тус бериб барг ёза бошлайди. Заранг гулга киради. Қаёққа қараманг гуркираб кўкатлар ниш ураётганига гувоҳ бўласиз. Табиат шиддат билан уйғонади. Ҳарорат кун-бакун кўтарилади. Чуғурчуқнинг илк сайрашларидан сўнг бир ҳафта ўтган бўлсада теварак-атрофда кўкатлар, майсазорлар, гул-ғунчалар барқ уради.

Қуш ва даррандалар сони кескин ортади. Март ойида деярли ҳар бир боғ ёки дарахтзорда қушларнинг чуғурлаши тинмайди. Бу ҳали «ишқ савдоси» эмас, шунчаки уйғонаётган табиат, жонажон уяга қайтишнинг мадҳидир. Ана чуғурчуқлар якка-якка уча бошлашди. Чунки энди уларнинг сони кўпайиб тиқилинчга тушгандек сезишади ўзларини. Шу боис жуфтликларга бўлиниб, ўзаро дон олишади. Шериги билан ўзларига макон қуриш тараддудига тушишади. Маъшуқа завқли сайраш билан жавоб қайтарса, етакчисининг изидан қолмай учса, демак, бўлғуси полапонларга пухта асос қўйилган деяверинг.

Майна, қизилиштон, чуғурчуқ, чумчуқ ва ҳоказо каби қуш-даррандалар далалар, боғлар, тоғ этаклари, дарё соҳиллари, ўрмон ва дарахтзорларимизнинг жонли кўркидир. Агар сиз қайси қуш қаерда истиқомат қилиши ва қандай хониш этишини фарқлай олсангиз, ўзингизни бадавлат ҳисоблайверинг. Чунки бу жониворлар табиатнинг инсонга аталган улуғ неъматидир.

Дарвоқе, айни кўкламда атроф-теваракка назар ташласангиз арзийди. Сирдарё соҳиллари жонланиб кетган. Яшил тусга бурканаётган тўқайлар яшил кокилларини дарё томон чўзаётгандек туюлади. Қурт-қумурсқалар, ўргимчаклар, бошқа митти жониворлар ҳаракатда. Жиблажибонлар, лойхўраклар учун ов мавсуми бошланади. Арнасой атрофларида, Тузкон соҳилларида сув омборлари узра ҳаёт қайнайди. Табиат бутун сепини кўз-кўз қила бошлайди.

Мирзачўлда, Тошкент—Жиззах йўли, Пахтакор ва Зомин оралиғида йўллар кесишган жойларда лайлаклар виқор билан кезмоқда. Хушқомад, беихтиёр эътиборни қаратувчи бу афсонавий қушлар вазминлик билан кичикроқ тўдаларга бўлиниб, бўз ерларни кезиб юрибди. Тушки пайтда улар ўтган йилги уяларига келиб, «таъмирлаш» ишларини бошлаб юборишади. Пахта далаларидаги сўқмоқларда, қишлоқ йўлларида ва соҳиллар бўйлаб «сирли» излар пайдо бўлган. Куз охирида, қишда ва февралда бу излар йўқ эди. Бу қандай излар? Маълум бўлишича, типратиконлар, қўшоёқлар, юмронқозиқлар қишки уйқудан уйғониб, умргузонликни бошлаб юборишибди. Типратикон узоқ қиш мобайнида очқаб қолган бўлса керакки, кундузи ҳам кўзга ташланишдан чўчимаяпти. Ўзига озиқ излаб мадорга кирмоқчи. Юмронқозиқлар ҳам ўз уялари атрофида тинмай ғимирлашади. Кўкламнинг илк кунлари кемирувчилар бошоқли ёввойи экинларнинг донларини ейишни яхши кўришади. Қўшоёқлар ҳам ўзларига шундай емиш излашади. Бундай тўйимли овқат соғлом насл қолдириш учун зарурдир.



Биз юмронқозиқ ва қўшоёқлар зарарли кемирувчи эканлигини биламиз. Улар қишлоқ хўжалиги экинларига шикаст етказади. Хавфли касалликлар тарқатиши мумкин. Шунга қарамай кўклам чоғи бу жониворларни кўрганингда киши аллақандай хайрихоҳлик сезасан.

Арнасойдаги Айлана кўли яқинига макон қурган бўрсиқ февралдаёқ уйғонган эди. У ерда қиш ва кўклам оралиғида мен унинг изларини кўрганман. Сувсарлар оиласига мансуб чиройли жониворларни ҳам учратдим. Чотқол қўриқхонасидан маълум қилишларича, айиқлар ҳам қишки уйқудан уйғонишибди. Демак, у ҳам очқаб қолган.

Атрофда баҳор қанот ёймоқда. Гўнгқарға, қораялоқ ўлкамизни тарк этиб Россия, Қозоғистоннинг салқинроқ жойларига йўл олишди.

**А. ЛЕСНЯК.**

# НАВРЎЗ НЕЪМАТИ

Ҳадемай эшик қоқадиган улуғ айём — Наврўз дастурхонини сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. Ош, чучвара, манти каби таомларни истаган лаҳзада тайёрлаб, тановул қилса бўлади. Сумалакнинг хосияти шундаки, у фақат Наврўз айёмида тайёрланади.

Ўтмишда сумалакни аждодларимиз интиқлик билан кутишган. Айниқса бирор хасталикдан азият чекаётган кимса учун бу таом энг азиз доривор деб билинган. Бу бежиз эмас. Сумалак таркибида киши аъзоларига қувват берадиган кўплаб дармондорилар мавжуд. Хусусан, унда С ва Е каби дармондорилар талайгина. Айниқса, Е дармондориси эркакларнинг наслсизлик хасталикларига, шунингдек аёлларнинг ҳомилани соғлом туғишларида яхши малҳамдир.

Қон босими ортиб кетган кишилар учун ҳам сумалак айни шифо, негаки у қон таркибини яхшилайди, унинг қуюқлашишига йўл қўймайди. Хуллас, баҳор айёмида сумалакдан бот-бот меъёрида тановвул қилинса, қиш мобайнида анча мадорини йўқотган инсон танаси яхшигина қувват олади. Шу боис бўлса керак, буни тажрибадан ўтказган омилкор ҳамюртларимиз одатда Наврўз келишини кутиб ўтирмасдан, қиш охиридаёқ сумалак тайёрлашади. Чунончи, Ёзёвон туманида истиқомат қилувчи Мамлакат ая Аҳмадалиева хонадонида тайёрланган сумалакдан Гулистон қишлоғидаги ўнлаб кишилар аллақачон баҳраманд бўлишди. Шубҳа йўқки, бошқа туман ва қишлоқлардаги бу таом ихлосмандлари ҳам уни ҳозироқ дастурхон кўркига айлантиришган.

Сумалакка меҳри кучли, лекин уни тайёрлашни яхши билмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Биз бугун уларга ёрдам тариқасида сумалак тайёрлаш усулларидан бирини келтириб ўтамиз.

Сумалак тайёрлаш учун «жайдари» ёки «қайроқи» буғдой нави танланади. Дон тозаланиб совуқ сувда яхшилаб ювилгач, чинни идишга солиб уч кеча-кундуз ивитиб қўйилади. Донлар қуруқшаб қолмаслиги жоиз. Шунинг учун вақти-вақти билан сув пуркаб турилади. Донлар бўртиб ниш ургач, сув тўкиб ташланади ва тоза тахта устига текис ёйилади. Юзига дока тортилиб, ёруғроқ, лекин қуёш нури тушмайдиган жойда 3—4 кун сақланади. Нишлар униб, томир олиши учун кунига бир-икки марта сув пуркаб турилади. Майсанинг бўйи 5—6 сантиметрга етгач, бир-бирига чирмашган масаллиқ бўлакларга бўлиниб, келида туйилади. Агар сумалак масаллиғи кўп бўлмаса, уни гўшт қиймалагичдан ўтказиб олиш энг қулайдир. Эзилган масаллиққа озгина сув қўшилиб, докада сузилади. Сутга ўхшаш оқ шарбат алоҳида идишга солиб қўйилади. Сўнг яна сув қўшиб, яна сузасиз. Бу шарбат ҳам алоҳида идишда сақланади. Кейин масаллиққа учинчи бор озгина сув қўшиб, яна сузилади ва шарбат алоҳида олиб қўйилади.

Шундан сўнг қозонда ўсимлик ёғи (одатда пахта мойи) яхшилаб доғлангач, бирор соат мобайнида совутилади. Кейин биринчи сузиб олинган шарбат ва ёғ яхшилаб аралаштирилади. У қайнатилгач, иккинчи бор сузилган шарбат солинади. Қозон қайнагач, учинчи марта сузилган шарбатни қуйиб, яна қайнатаверасиз. Сумалак қуюқлаша бошлагач, ёғоч куракча билан ковлаб турилади, йўқса у тагига ёпишиб куйиб кетади. Бунга йўл қўймаслик учун ўрик данагидек ёки сал каттароқ силлиқ тошларни яхшилаб ювиб, сувда қайнатиб олингач, сумалакка ташланади. Тош ўрнига яхшилаб тозаланган ёнғоқ солиб қайнатиш ҳам мумкин.

Одатда сумалак шу тарзда 10—12 соат қайнатилади. Агар у муддатидан аввал қуюқ тортиб кетса, озгина қайноқ сув қўшилиб, қайнатишда давом эттирасиз. Етилгач, олов тортилиб, қозоннинг устига тоғора ёпилади ва қалин нарса билан ўраб, бир неча соат димлаб қўйилади.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, сумалак тайёрлаш бир оила ёки хонадон учун машаққатли иш. Шу боис халқимиз азалдан бу таомни ҳашарлашиб тайёр этган. Одатда қўни-қўшни, қариндош-туққанлар бирлашиб қозон осишади. Натижада сумалак пишириш ўзига хос йиғин-тантана, байрамга ўхшаб кетади. Ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба ёки дилкаш суҳбатлар сумалак тайёрлашнинг файзини янаци оширган. Ёш-яланглар ҳатто қозон яқинида кураш тушишган. Эндиликда бу нарсаларнинг ҳаммаси қайта тикланаётгани ғоят қувонарлидир.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Сумалак истеъмол қилишда маълум қоидага сўзсиз риоя қилиш даркор. Агар сиз бу таомнинг барча хосиятларидан фойдаланмоқчи бўлсангиз, бир-икки кун фақат сумалак тановул қилган маъқул. Уни бошқа овқатлар билан қўшиб ейилса шифобахш жиҳатлари камаяди.

Табиатнинг бу улуғ неъматидан бебаҳра қолманг!

**Муҳаббат ҚОДИРОВА,**
**уй бекаси.**



● Мана энди сумалак пиширса бўлади!

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.



# ҲАР ФАСЛНИНГ ЎЗ ХИСЛАТИ БОР

## ОЙНОМА

# МАРТ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ДУШАНБА | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| СЕШАНБА | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| ЧОРШАНБА | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| ПАЙШАНБА | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| ЖУМА | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| ШАНБА | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| ЯКШАНБА | 7 | 14 | 21 | 28 | |







● Баҳор даракчилари.

# СОВУҚДАН АСРАНГ

Гулга кирган экинларни март ойида юз бериб турадиган аёзлардан асраш долзарб масаладир. Бу борадаги бепарволик эртанги ризқ-рўзимизга болта уриш демакдир. Шуни ҳисобга олиб, айрим тадбирларни яна бир карра эслатиб ўтамиз.

Баҳорнинг илк палласида ўртача ҳарорат 0—5 даражадан юқори бўлмаган дамлардаги совуқлар мева-чева экинлари учун хавфли эмас. Кейинроқ ўртача ҳарорат 5—15 даражага кўтарилгандан сўнг тушадиган аёзли ҳавонинг оқибати ёмон, чунки бу пайтда дов-дарахтлар жонланиб, айрим эртапишар экинлар гулга киргач ожиз бўлади.

Совуқ тушган пайти гул-ғунчаларнинг чидамлилиги ҳар хил. Агар гуллар салқин ҳаво пайти очилган бўлса, уларнинг шикастланиши ҳарорат юқори бўлган даврда очилган гулларникидан камроқ бўлади. Совуқ пастқам жойлардаги гул, ғунчаларга кучлироқ таъсир қилади, негаки совуқ ҳаво оғирроқ бўлгани учун пастки қатламда кўпроқ туриб қолади.

Дов-дарахтлар, экин-тикинларни совуқдан асрашнинг тутун бурқситиш, гулхан ёқиб иситиш, сув томчилатиш ва тупроқни суғориш каби воситалари бор. Тутун тупроқ юзаси совуб кетишига тўсқинлик қилади, офтоб чиққанидан сўнг ҳаво бирданига қизиб кетишининг олдини олади. Суғориш тупроқ юзасига илиқ ҳаво оқими келишини кучайтиради, бу аёзнинг тиғини сусайтиради. Сув томчилатиш ҳарорат пасайган пайти буғланиши туфайли иссиқлик ажралиб чиқишини таъминлайди.

Агар совуқ тушган пайти ҳарорат ноль даражадан пасайиб кетса сув томчилатиш натижасида дарахт танаси юпқа муз қатлами билан қопланиб, тўқималарни совуқ урушига тўсқинлик қилади. Тутун бурқситиш ҳароратни 1—2 даража оширишга имкон беради. Бу одатда гул-ғунчаларни тўла ёки қисман совуқ уришдан сақлайди.

Тутун бурқситиш учун олдиндан ҳар жой—ҳар жойда ёқиладиган ғарам ғамлаб қўйилади (500—600 квадрат метрга 3—4 та). Ғарамнинг эни 1—1,5 метр, баландлиги бир метргача. Ғарам асосига икки хода ётқизилиб, улар оралиғига қозиқ қоқилади. Қозиқ атрофига шох-шабба, қипиқ кабилар уйилади. Улар сал ҳўлроқ бўлгани яхши, ўшанда секин ёниб, кўпроқ тутун беради. Ғарам устига озгина тупроқ тўшалади. Алангалатиш олдидан қозиқ суғуриб олинади. Унинг ўрнида олов ва бутун чиқиши учун тешик юзага келади.

Ҳароратни ошириш учун тошкўмир, сақичдан гулхан ёқиш ҳам мумкин. Бу ҳолда 10—12 жойда тутун бурқситиш жоиз. Бу ишларнинг ҳаммаси қуёш чиқишидан аввал қилинади.

Томчи сочиш учун зараркунандаларга қарши ишлатиладиган пуркагич ёки бошқа ускунадан фойдаланиш мумкин. Бу иш эрталаб ҳаво 3—4 даража исигунича давом эттирилади.

Дов-дарахтлар, экин-тикинларни совуқдан асраш тадбирларини вақтида амалга оширсангиз, мўл ҳосилга замин яратган бўласиз. Шу боис об-ҳавога оид хабарларни мунтазам тинглаб боринг. Бундан ташқари совуқ тушишидан дарак берувчи бир қатор белгилар бор. Айримларини келтириб ўтамиз. Чунончи, агар ўрдаклар иморат ичига интилса, тун совуқ бўлади. Чумчуқлар чирқиллаб гала-гала бўлиб юришса, дарахтларга ўтириб олиб тўхтовсиз сайрашса, ҳаво ҳали-вери совумайди. Чумчуқлар жимиб, бир-бирини пинжига тиқилишса, ҳарорат пасайишига ишора.

Ит ғуж бўлиб, тинч ётса совуқ тушишидан далолат. Мушук тумшуғини бекитиши, иссиққа интилиши, совуқ тушишини билдиради.

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли тайёрлади.**

# ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ?

Ҳар фаслнинг бошланиши само гардишида Қуёшнинг ҳаракатига қараб аниқланади. Шимолий ярим шарда баҳор 20 ёки 21 мартда бошланади. Шу вақтда (қутбларнинг атрофлари бундан мустаснодир) кун тунга тенг бўлади. Фаслларнинг астрономик даврларидан ташқари, фенологик белгилари ҳам бўлиб, ҳавонинг суткалик ўртача ҳарорати 0 даражадан кўтарилганида баҳор фасли бошланади.

Евроосиёнинг жуда катта қисмида: Ғарбий Европа, Қрим, Кавказ тоғларининг шимолий ва жанубий томонларида, Кавказ ортида, Кичик Осиё ҳамда Ўрта Осиёда баҳор фасли айни кучга киради, бинафшалар очилади, бодом, ўрик, олхўри дарахтлари гуллайди, далалар, қир-адирлар ям-яшил ўсимликлар гилами билан қопланади, деҳқончилик ишлари бошланади. Афғонистоннинг тоғлик қисмида, Тибетда, Қашқарда, Корея ва Японияда ҳам баҳор кириб, Манжурияда қишда яхлаб қолган баъзи гуллар март ойида музлари эриб, яна очилади. Бу ўлкада сирень ва олма дарахтлари ҳам шу ойда гуллайди.

Евроосиё ва Шимолий Америкада қор камайиб қолади, лекин шимолий чеккаларида ҳамон қор кўрпаси сақланиб туради. Болтиқ денгизининг Ботник, Фин-Рига қўлтиқлари, Оқ денгиз, Азов, Каспий, Орол денгизларининг шимолий қисмлари, Байкал кўли, Шимолий Американинг Гудзон қўлтиғи ва Улуғ кўллари бу даврда муз билан қопланганича ётади. Мисрда март ойида ҳосилни йиғиб-териб олиш давом эттирилади. Кейин бўшаган ерларга шакарқамиш, Нил дарёси қуйи қисмида эса пахта билан шоли экилади.

Ҳиндистонда март ойи буғдой ўрими авж олган давр ҳисобланади. Тропик минтақада қишлаган барча қушлар гала-гала бўлиб, шимолга йўл олишади. Африкадаги тропик минтақанинг жанубида ёмғирли мавсум бошланади. Ҳар куни тушдан кейин шаррос жала қуяди, қақраб ётган саванналар бир-икки кун ичида ям-яшил ўсимликлар билан боғ-бўстонга айланади, тошдек қотиб ётган ерларда юриб бўлмайдиган даражада ботқоқлик ҳосил бўлади.

Жанубий ярим шарда куз фасли бошланади. Бу ойда Жанубий Американинг экваториал минтақасида қаттиқ ёмғирлар ёғиб, Амазонка дарёси тоша бошлайди. Натижада юзлаб чақирим кенгликдаги майдонларни сув босади. Шу билан бирга дарё атрофидаги катта-катта ер майдонлари июль ойигача сув остида ётади. Африканинг жанубида эса куз фасли бошланиб, қуруқ ҳаво сақланиб туради. Бу қурғоқчиликдан Конго ва Замбия дарёларининг юқори оқимидаги жойларда дарахт ва буталар баргини тўка бошлайди, ўсимликлар қовжираб қолади, ҳайвонлар эса шимол томонга кўчиб ўтадилар.

**Т. МАҲМУДОВ,**
**табиатшунос.**

# КЎКЛАМ КЎРКИ

Ҳар йили янгиланиб, ўзгача таровват билан кўз-кўз бўлувчи кўклам, ўзи намоён бўлган ўлкани ҳам ўзгача янгилаб, унга ажиб чирою латофат бахш этади.

Зотан унинг:

● **Ҳар нафаси — кўркам,**
**Ҳар дами — ўктам.**

Баҳор шундай бир шарафли чегараким, хусусан дала ишларининг авжи ҳам, қайноқ мавжи ҳам ундан бошланади:

● **Баҳордан бошланар ишлар авжи,**
**Наҳордан бошланар меҳнат мавжи!**

Ҳамма-ҳаммани эзгулик, саховатга даъват этиш билан, ҳар кимни файзиёб этиб, ҳар кимнинг меҳнатга, ҳаётга рағбатини оширади, айни замонда, ёшига ёш қўшади.

Ҳар йили баҳор-ла юзлашганда: «Бу кунларга етган бор, етмаганлар бор», дейишимиз бежизмас. Бу ҳол: биринчидан, етолмай кетганлар ҳақига дуони ўрнига қўйишни, иккинчидан, кучга-куч қўшиб ишлашни, яна ҳам кўпроқ шукронани ўрнига қўйишга бизни даъват этади.

Умуман, Ерга — тупроққа сиғиниш ҳам, уни деҳқончасига ардоқлаш ҳам, уни тану жоним деб билишлик ҳам, мана бундоқ бўлибди:

● **Бу туфроғлар кўзум қони ила минг**
**гулзор ўлса,**
**Бобосидур — бу, момосидур —бу,**
**отамдур—бу, онамдур —бу!**
(Нодирабегим).

Хотимани, ҳар галгидай, бобокалон Алишер Навоий каломларила якунласак:

● **Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,**
**Наҳлтарин англа: қуруғон ўтун!**
● **Боғ ўлди: баҳордин гулафшон,**
**Сунбул — бу гул узра кокулафшон!**

**Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ.**

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзплодовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткич — 64.602. Тир. 31260. Буюртма Г—117.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 20.30.

1 2 3 4 5 6